

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИДА  
МОЛИЯВИЙ ҲОСИЛАВИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**“Ўзмиллийбанк” АЖ –  
Ғазначилик департаменти  
директори О.И.Мирзараимов**

**Аннотация:**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операцияларида валюта хосилавий воситаларидан фойдаланиш истиқболлари таҳлил қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида валюта курсларининг тебранишлари ташқи савдо билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар учун хавф туғдиради. Валюта хосилавий воситалари (форвард ва фьючерслар шартномалар) мазкур хавфларни камайтириш ёки бартараф этиш воситаси сифатида кўриб чиқилади. Ушбу воситаларнинг асосий фойдаланиш соҳалари ва уларнинг молиявий бошқарувдаги афзалликлари ҳақида маълумот берилган. Ўзбекистонда валюта деривативлар бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда бунга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда келгусидаги ривожланиш истиқболлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:**

Валюта хосилавий воситалари, форвард шартномалари, фьючерслар, ташқи савдо, валюта хатарларини бошқариш.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда валюта рискларига дуч келадилар. Бундай рисклар одатда валюта хосилавий воситалари ёрдамида камайтиради ёки бартараф қилинади.

**Валюта хосилавий воситалар (деривативлар)** - бу бозор иштирокчиларига валюта курсларининг тебраниши натижасида келиб чиқадиган хатарларни бошқариш имконини берувчи молиявий инструментлардир. Улар одатда молия бозорларида хедж қилиш, спекуляция ва арбитраж мақсадларида фойдаланилади. Бунда курсни олдиндан белгилаш

ёки валюталарнинг курс тебранишларига чегара ўрнатиш имконияти яратилади.

Валюта деривативлари компаниялар учун валюта рискларидан ҳимояланиш, пул оқимларини барқарорлаштириш ва молиявий мажбуриятларни бошқаришда мослашувчанликни таъминлайди.

Шу билан бирга халқаро амалиётда валюта деривативлари одатда ташқи савдода валюта хатарларини минималлаштириш учун кенг қўлланилади. Масалан, товарларни экспорт ёки импорт қилувчи компания курс ўзгариши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлардан ҳимояланиш мақсадида форвард шартномасидан фойдаланиши мумкин.

**Форвард шартномалари** - икки томон ўртасида келажакда белгиланган аниқ бир вақтда валютани олдиндан белгиланган курсда сотиб олиш ёки сотиш бўйича келишув. Бундай шартномалар компанияларга валюта курсининг ўзгариши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни камайтириш имконини беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда деривативлар бозори ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар томонидан экспорт-импорт операциялари амалга оширилишида валюта хатарларини бошқариш имкониятини берувчи молиявий инструментлар етарли эмас. Натижада экспорт ва импорт билан шуғулланувчилар ўз ташқи савдо операцияларини амалга оширишда пул оқимларини самарали бошқариш имконияти чекланмоқда, бу ўз навбатида экспорт-импорт қилинаётган товар ва хизматлар нархлари шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда экспорт ва импорт билан шуғулланувчи ташкилотларга ҳосилавий (дериватив) инструментлардан фойдаланиш куйидаги афзалликларни беради:

### **1. Валюта рискларини самарали бошқариш:**

Ҳосилавий инструментлар, масалан, форвард ва фьючерс шартномалари, компанияларга келажакда маълум бир келишилган вақтда олдиндан белгиланган валюта курси бўйича операцияларни амалга ошириш имконини бериб, экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг нархини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

## **2. Келажакда бўлиши мумкин бўлган хатарларга қарши ҳимоя:**

Ҳосилавий воситалар компанияларга валюта алмашинув курсларининг ўзгариши билан боғлиқ эҳтимолий хатарлардан ҳимояланиш имконини беради. Масалан, экспорт қилувчи компания ҳосилавий воситалардан фойдаланиб келажакда кутилаётган даромадини кундалик курс ўзгаришларидан ҳимоя қилиши мумкин.

## **3. Рақобатбардошликни ошириш:**

Ҳосилавий воситалардан фойдаланиш компанияларга валюта хатарларини самарали бошқариш орқали уларнинг молиявий ҳолати мустақамланишини таъминлайди ҳамда нарх рақобатида устунликни беради.

## **4. Молиявий бозор инфратузилмасини ривожлантириш:**

Биржа ва банклар билан ҳамкорликда ҳосилавий маҳсулотларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг молиявий бозорини жаҳон стандартларига мослаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда экспорт ва импорт операцияларида ҳосилавий воситалардан кенг фойдаланиш амалиётини ривожлантириш учун молиявий саводхонликни ошириш, ҳосилавий воситаларга тааллуқли миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳосилавий воситалардан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзларини тақлиф этиш каби чораларни кўриш лозим. Бундай чоралар миллий компанияларни халқаро савдода валюта хатарларидан ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1. "Currency Derivatives: Pricing Theory, Exotic Options, and Hedging Applications" – David F. DeRosa, September 1998. 387 pages;**
- 2. "Options, Futures, and Other Derivatives" – John C. Hull, 2009 Business & Economics, 822 pages;**
- 3. Тихонов А.О., Кисель С.Л. "ФОРВАРД, ФЬЮЧЕРС, ОПЦИОН: как работать с деривативами", Минск 2006;**
- 4. “ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР” Исламов Б.А., Шодиев Р.Х., Исмаилова Н.С., Шодиева З.Т., Ёзиев Ғ.Л. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT, 2019 – 262б.**